

**"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati" aksiyadorlik jamiyati**

1.	<b>ЭМИТЕНТ НОМИ</b>							
Тўлик:		"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati" aksiyadorlik jamiyati						
Қисқартирилган:		"Olmaliq КМК" АЖ						
Биржа тикери номи:*		AGMK						
2.	<b>АЛОҚА БОҒЛАШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР</b>							
Жойлашган манзили:		Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53.						
Почта манзили:		Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53.						
Электрон почта манзили:*		info@agmk.uz						
Расмий веб-сайти:*		www.agmk.uz						
3.	<b>МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ</b>							
Муҳим факт рақами:		06						
Муҳим факт номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар йиллик						
Умумий йиғилиш тури:								
Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана:		29.06.2019 й.						
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		09.07.2019 й.						
Умумий йиғилиш ўтказиладиган жой:		Тошкент ш.						
Умумий йиғилиш қворуми:		100%						
т/р	Овоз бериш учун қўйилган масалалар	<b>Овоз бериш яқунлари</b>						
		<b>ҳа</b>		<b>қарши</b>		<b>бетараф</b>		
		%	сони	%	сони	%	сони	
1.	Ижроия органининг 2018 йил учун "Olmaliq КМК" АЖ Бизнес-режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш	100	88 739 180	0	0	0	0	
2.	"Olmaliq КМК" АЖ Кузатув кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш	100	88 739 180	0	0	0	0	
3.	Тафтиш комиссиясининг 2018 йил учун "Olmaliq КМК" АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш	100	88 739 180	0	0	0	0	
4.	Ташқи аудиторлик фирмасининг 2018 йил учун "Olmaliq КМК" АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш	100	88 739 180	0	0	0	0	

5.	2018 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
6.	2018 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш	100	88 739 180	0	0	0	0
7.	“Olmaliq КМК” АЖ соф фойдасини тақсимлаш масаласи бўйича қарор қабул қилиш	100	88 739 180	0	0	0	0
8.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Бизнес-режасини тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
9.	Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик компаниясини тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
10.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ корпоратив бошқарув тизими баҳоланишини ўтказиш учун мустақил ташкилотни тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
11.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ КПЭ, ИКЭ ҳисоб-китобини текшириш учун мустақил ташкилотни тасдиқлаш.	100	88 739 180	0	0	0	0
12.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
13.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
14.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Бошқарув раисини сайлаш	100	88 739 180	0	0	0	0
15.	“Olmaliq КМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.	100	88 739 180	0	0	0	0

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ифодаланиши:

1.	Жамият Ижроия органининг (Бошқарувининг) 2018 йил яқунлари бўйича Жамият молия-хўжалик фаолияти натижалари ва Жамиятнинг 2019 йил учун асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Ижроия органнинг 2018 йилдаги иши қониқарли деб эътироф қилинсин.
2.	“Olmaliq КМК” АЖ Кузатув кенгаши ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Жамият Кузатув кенгашининг 2018 йилдаги иши қониқарли деб эътироф қилинсин.
3.	Тафтиш комиссиясининг 2018 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.
4.	Ташқи аудиторлик фирмасининг 2018 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ижобий аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.
5.	2018 йил яқунлари бўйича “Olmaliq КМК” АЖ йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
6.	«INVESTMENT MANAGEMENT GROUP» МЧЖ мустақил ташкилотининг 2018 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботи ва хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, унга мувофиқ Жамият фаолиятининг самарадорлиги 662 балл

	ёки фоиз шкаласи бўйича 55% ни ташкил этади ва “қониқарли” деб эътироф қилинади (корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича ҳисобот ва хулоса илова қилинади). Жамият Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқаруви) «INVESTMENT MANAGEMENT GROUP» МЧЖ тавсияларига мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўрсин.
7.	<p>2018 йилги “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 1 412 090 170 минг сўм соф фойда олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони 9-бандига мувофиқ, вазирликлар ва бошқармалар, ваколатли бошқарувчилар, шунингдек давлатнинг ваколатли шахсларига 2019 йилдан бошлаб устав капиталида 50 фоиз ва ундан кўпроқ давлат улушига эга хўжалик юритувчи жамиятлар томонидан муқаррар дивидендлар ҳисоблаб ёзилишини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат қўшма корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларнинг соф фойдасидан 30 фоизи миқдорда чегирмалар қилинишини таъминлаш.</p> <p>Бунда, “Olmaliq КМК” АЖ соф фойдасини тақсимлаш масаласи бўйича, «SFI Management Group» МЧЖ ХК ваколатли бошқарувчисининг 2019 йил 27 майдаги 02-19/118/2-сон таклифи эътиборга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан соф фойданинг 30 фоизини дивидендлар тўловига йўналтириш тўғрисида розилик билдирилган (2019 йил 19 июндаги 2160/03-15-сон хат ва 2019 йил 21 июндаги 2335/03-15-сон овоз бериш бўйича кўрсатма).</p> <p>“Olmaliq КМК” АЖнинг 2018 йил яқунлари бўйича олинган 1 412 090 169 минг сўмдан иборат соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:</p> <p>I. Дивидендлар тўлови учун жами 425 828 243,2 минг сўм; шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- оддий акциялар бўйича (давлат улуши бўйича) – 423 627 050,7 минг сўм (соф фойданинг 30 фоизи);</li> <li>- имтиёзли акциялар бўйича – 2 201 192,5 минг сўм (соф фойданинг 0,2 фоизи).</li> </ul> <p>Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан 2019 йил 25 июндаги ҳолат бўйича тузилган акциядорлар реестрида акс эътирилган 2 249 558 дона имтиёзли акциялар эгаларига дивидендлар тўлови қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда, шу жумладан жисмоний шахсларга – “Ипотека-банк” АТИБ Олмалик филиали жамғарма кассаси орқали, юридик шахсларга – уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги ҳисоб-китоб ҳисобварақларига ўтказма орқали ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда пул маблағлари билан амалга оширилсин.</p> <p>Дивидендлар тўлови бошланиш санаси 2019 йил 20 июль, дивидендлар тўлови тугайдиган сана – 2019 йил 20 август қилиб белгилансин.</p> <p>II. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш фондига чегирмалар (соф фойданинг 10 фоизи) – 141 209 016,9 минг сўм;</p> <p>Жамият ривожланиши учун (соф фойданинг 59,8 фоизи) келгусида Жамият устав фондига капитализация қилиш билан бирга – 845 052 908,9 минг сўм.</p>
8.	2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Бизнес-режаси тасдиқлансин.
9.	<p>I. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзРҚ–223-1-сон Қонунини (Янги таҳрир) ижро этиш, ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувини ўтказиш мақсадида, “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалик фаолияти аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун ташқи аудитор ғолибларини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган 2019 йил учун танлов ўтказилди.</p> <p>“Olmaliq КМК” АЖ веб-сайтида ташқи аудиторни танлаш тадбирлари бошланганлиги тўғрисида эълон қилиш натижасида иккита номзод: “TSIAR-FINANS” МЧЖ; “PKF MAK ALYANS” МЧЖдан танловда иштирок қилиш учун таклиф олинган.</p> <p>Аудиторлик компанияларидан техник таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича тенг миқдорли</p>

баллар тўпланган (90 балл).

Молиявий таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси ғолиб келди – 100 балл, тааллуқли равишда, “TSIAR-FINANS” МЧЖ 75 балл тўплади.

Тақдим қилинган таклифларни умумий баҳолаш ҳисоб-китоби натижасида “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси энг юқори баҳо олди – 95,86 балл; тааллуқли равишда, “TSIAR-FINANS” МЧЖ 80,51 тўплади.

2003 йилда ташкил этилган “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси ўз фаолияти давомида «Ўзбекнефтегаз» МКХ, «Шўртаннефтегаз» Қўшма шўъба корхонаси, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзавтойўл» ДАК каби турли тармоқлардаги корхоналарга, шу жумладан 2009-2010 йиллар ва 2015-2017 йилларда “Olmaliq КМК” АЖга аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатган.

Ҳозирги вақтда “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 05 апрелдаги 00770-сон лицензияси асосида амалга оширмоқда.

“PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси тегишли тажрибага ва малакага эга ходимлари ёрдамида комбинатда аудит ўтказиш вақтида мутахассислар иштирокини таъминлай олади, ушбу мутахассислар барча керакли аудиторлик тадбирларини ўтказадилар ҳамда барча касбий этика ва махфийлик меъёрларига риоя қилинган ҳолда акциядорлар учун объектив ва сифатли ахборот тақдим этилишини таъминлайдилар. “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси ходимларининг тажрибаси аудит жараёнида юзага келадиган масалаларнинг ҳолисона ва амалий ҳал этилишига умид қилиш, шу жумладан Жамият томонидан аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси олинганга қадар тааллуқли тузатишлар киритиш ва тавсиялардан фойдаланиш имконини беради.

Аудиторлик компанияси хизматларининг нархи Ўзбекистон аудиторлик хизматлар бозоридаги мавжуд нархлар даражасида баҳоланган ва ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 228,0 млн.сўмни ташкил этган.

Ишдаги пухталиқ ва ўзига қабул қилган мажбуриятларни бажаришдаги ишончлилик кўриб чиқиладиган номзоднинг муносиб ва мақбул эканлигидан далолат беради.

“PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси Миллий аудит стандартлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун 2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ ташқи аудитори сифатида тасдиқлансин ва унинг хизматларига ҳақ тўлаш ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 228,0 млн.сўм миқдорида белгилансин.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4124-сон Қарорини ижро этиш, ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувини ўтказиш мақсадида, “Olmaliq КМК” АЖ молия-хўжалиқ фаолияти аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун ташқи аудитор ғолибларини аниқлаш бўйича 2019–2022 йиллар учун Халқаро молия ҳисоботи стандартларига мувофиқ тайёрланган танлов ўтказилди.

“Olmaliq КМК” АЖ халқаро аудиторлик ташкилотлари манзилларига танловда иштирок қилиш учун хат-таклифнома юборди. Натижада қуйидаги тўртта номзоддан танловда иштирок қилиш учун таклиф олинди:

- "Deloitte va Touche" МЧЖ;
- "PricewaterhouseCoopers" МЧЖ;
- "KPMG AUDIT" МЧЖ;
- "Ernst & Young" МЧЖ.

Халқаро аудиторлик компанияларидан техник таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича тенг миқдорли баллар тўпланган (95 балл).

Молиявий таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича "Ernst & Young" МЧЖ аудиторлик компанияси ғолиб келди – 100 балл, тааллуқли равишда, "Deloitte va Touche" МЧЖ 52 балл, "PricewaterhouseCoopers" МЧЖ 27 балл ва "KPMG AUDIT" МЧЖ 85 балл тўплади.

Тақдим қилинган таклифларни умумий баҳолаш ҳисоб-китоби натижасида "Ernst & Young" МЧЖ аудиторлик компанияси энг юқори баҳо олди – 98,08 балл; тааллуқли равишда, "Deloitte va

	<p>Touche" МЧЖ 68,85 балл, "PricewaterhouseCoopers" МЧЖ 53,88 балл ва "KPMG AUDIT" МЧЖ 88,65 балл тўплади.</p> <p>"Ernst &amp; Young" МЧЖ аудит, солиқ солиш, битимларни консалтацион кузатиш ва бизнес юритиш масалалари бўйича консалтациялар бериш соҳасида халқаро етакчи компания ҳисобланади. Бугунги кунда компания дунёдаги 150 та мамлакатда 728 та офисга эга халқаро ташкилотдан иборат.</p> <p>"Ernst &amp; Young" МЧЖ аудиторлик компанияси Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1995 йилда Тошкент шаҳрида офис очиш билан бошлади, бунинг натижасида профессионал хизматлар кўрсатиш бўйича халқаро фирмалар орасида етакчилардан бирига айланди. Кўп йиллик тажриба ва билимлар ҳажми туфайли компания маҳаллий ва халқаро компанияларга, шунингдек давлат корхоналарига халқаро иқтисодиётдаги мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтишда кўмаклашиш имкониятига эга.</p> <p>"Ernst &amp; Young" МЧЖ халқаро аудиторлик компанияси Ўзбекистондаги ўз фаолиятининг сўнгги беш йили давомида «Асака Банк» АТБ, «Давр Банк» ХАТБ, «Дженерал Моторс Ўзбекистон» АЖ, «Капитал Банк» АТБ, «KDB Bank Uzbekistan» АЖ, «Ҳамкорбанк» АТБ, «Ўзбекнефтегаз» АЖ МХК, «Универсалбанк» АТБ каби турли тармоқлар акциядорлик корхоналарига аудиторлик хизматларини кўрсатган.</p> <p>Ҳозирги вақтда "Ernst &amp; Young" МЧЖ аудиторлик компанияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 17 апрелдаги 00816-сон лицензияси асосида амалга оширмоқда.</p> <p>"Ernst &amp; Young" МЧЖ аудиторлик компанияси тегишли тажрибага ва малакага эга ходимлари ёрдамида комбинатда аудит ўтказиш вақтида мутахассислар иштирокини таъминлай олади, ушбу мутахассислар барча керакли аудиторлик тадбирларини ўтказадилар ҳамда барча касбий этика ва махфийлик меъёрларига риоя қилинган ҳолда акциядорлар учун объектив ва сифатли ахборот тақдим этилишини таъминлайдилар. "Ernst &amp; Young" МЧЖ аудиторлик компанияси ходимларининг тажрибаси аудит жараёнида юзага келадиган масалаларнинг ҳолисона ва амалий ҳал этилишига умид қилиш, шу жумладан Жамият томонидан аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси олинганга қадар тааллуқли тузатишлар киритиш ва тавсиялардан фойдаланиш имконини беради. Ишдаги пухталиқ ва ўзига қабул қилган мажбуриятларни бажаришдаги ишончлилик кўриб чиқиладиган номзоднинг муносиб ва мақбул эканлигидан далолат беради.</p> <p>"Ernst &amp; Young" МЧЖ халқаро аудиторлик компанияси 2019–2022 йиллар учун Халқаро молия ҳисоботи стандартларига мувофиқ "Olmaliq КМК" АЖ молия-хўжалиқ фаолияти аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун тасдиқлансин ва унинг хизматларига ҳақ тўлаш ҚҚС ва кўшимча харажатлар ҳисобга олинган ҳолда 936 минг АҚШ долларидан юқори бўлмаган миқдорида белгилансин.</p>
10.	<p>"Olmaliq КМК" АЖ Кузатов кенгашининг 2019 йил 08 июндаги қарори билан «INVESTMENT MANAGEMENT GROUP» МЧЖ мустақил баҳолаш ташкилотини танлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>«INVESTMENT MANAGEMENT GROUP» МЧЖ 2019 йил давомида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун тасдиқлансин.</p>
11.	<p>"Olmaliq КМК" АЖ Кузатов кенгашининг 2019 йил 08 июндаги қарори билан «КОНСАУДИТИНФОРМ» МЧЖ мустақил баҳолаш ташкилотини танлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>«КОНСАУДИТИНФОРМ» МЧЖ 2019 йил давомида КПЭ, ИКЭ ҳисоб-китоби тўғрилигини текшириш учун тасдиқлансин.</p>
12.	<p>Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 59, 63 ва 107-моддаларига амал қилинган ҳолда, шунингдек Агентликнинг 2019 йил 21 июндаги 2391/03-15-сон хати эътиборга олинган ҳолда, Жамият Кузатов кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар бир йил муддатга сайлансин:</p>
<p style="text-align: center;"><b>Номзодлар тўғрисида ахборот</b></p>	
<p style="text-align: right;"><b>Овозлар</b></p>	

т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		сони
			сони	тури	
1.	Ишметов Тимур Аминджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	0	0	88 739 180
2.	Жуманазаров Акмал Рузикулович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош мутахассиси	0	0	88 739 180
3.	Хайдаров Аҳадбек Яҳёбекович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Директори	0	0	88 739 180
4.	Гулямов Равшан Аюбович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари	0	0	88 739 180
5.	Шадиев Бобур Кабулович	«SFI Management Group» МЧЖ ХК Кузатув кенгашининг раиси	0	0	88 739 180
6.	Хасанов Кадир Диасович	«SFI Management Group» МЧЖ ХК Кузатув кенгашининг аъзоси	0	0	88 739 180
7.	Мухамедов Улугбек Яркинович	«SFI Management Group» МЧЖ ХК Бош директори	0	0	88 739 180
8.	Шамсиев Азамат Тахирович	«SFI Management Group» МЧЖ ХК Молия директори	0	0	88 739 180
9.	Ахмедов Мэлс Уктамович	«SFI Management Group» МЧЖ ХК Юридик масалалар бўйича директори	0	0	88 739 180
13.	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59, 63 ва 107-моддаларига амал қилинган ҳолда, шунингдек Агентликнинг 2019 йил 21 июндаги 2391/03-15-сон хати, 2019 йил 24 июндаги 2454/03-15-сон хати эътиборга олинган ҳолда, Жамият Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар бир йил муддатга сайлансин:				
<b>Номзодлар тўғрисида ахборот</b>					
т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		Овозлар сони
			сони	тури	
1.	Ахмедов Шарофиддин Шодимуротович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Бошқарма бошлиғи ўринбосари	0	0	88 739 180

2.	Миралиев Алишер Эркинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи	0	0	88 739 180
3.	Суёнов Бобомурод Мамаражабович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Бош мутахассиси	0	0	88 739 180
4.	Мирзаахмедов Одилжон Анапияевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари	0	0	88 739 180
5.	Софаров Шухрат Уралович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Бош мутахассиси	0	0	88 739 180
6.	Курбоналиев Санжар Сабриддинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи ўринбосари	0	0	88 739 180
7.	Самандаров Талъат Юлдашевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги Бошқарма бошлиғи	0	0	88 739 180
14.	<p>2019 йил учун “Olmaliq КМК” АЖ Бошқарув раисини сайлаш.</p> <p>“Olmaliq КМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил 08 июндаги 10(184)-сон баённома топшириғига мувофиқ “Olmaliq КМК” АЖ Ижроия органи томонидан расмий сайтда (<a href="http://www.agmk.uz">www.agmk.uz</a>) “Olmaliq КМК” АЖ раҳбари лавозимига танлов асосида саралаш бўйича эълон жойлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин (эълон матни илова қилинади).</p> <p>“Olmaliq КМК” АЖ манзилига Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ҳозирда “Olmaliq КМК” АЖ Бошқарув раиси ҳисобланган Абдулла Халмуродович Хурсановдан танлов асосида саралашда иштирок қилишга розилиги тўғрисида битта ариза келиб тушган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 356-сон Қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ, устав капиталида (фондида) 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда давлат улушига эга хўжалик юритувчи жамият ижроия органида раҳбар ва унинг ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ёки унинг тааллуқли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.</p> <p>Таклиф этилаётган номзод раҳбарлиги остида (ҳозирги вақтда “Olmaliq КМК” АЖ Бошқарув раиси ҳисобланган), шу жумладан 2018 йил якунлари бўйича комбинатнинг барча муҳим кўрсаткичларига эришилади, Жамиятнинг 2018 йил учун соф фойдаси 1 412,0 млрд.сўмни ташкил этган.</p> <p>А.Х. Хурсанов амалий ва шахсий фазилатларга эга, «Навоий КМК» ДК, «Ўзметкомбинат» АЖ, “Olmaliq КМК” АЖ каби корхоналарда катта амалий ва маъмурий иш тажрибасига эгадир. Абдулла Халмуродович Хурсанов “Olmaliq КМК” АЖ Бошқарув раиси лавозимига сайлансин, 2019 йил якунлари бўйича Жамият Акциядорлари навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар у билан қайта шартнома тузилсин</p>				
15.	<p>“Olmaliq КМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқлансин.</p>				
Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матни**				Кўриб чиқилмаган.	

Ижроия орган раҳбари:

А.Х. Хурсанов

Бош бухгалтер:

Н.К. Тен

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахс:

Н.Б. Рахимова